

Ғоялар билан воситалар ўртасини аралаштириб юбориш



11:23 / 31 июль 745

Европаликлар ўзларини диндан мосуво қилдилар. Ахлоқ деган монеълик қилгувчи ёки дин деган тийиб тургувчи ҳам, илоҳий илмдан иборат уларни тўғрилиқка бошлагувчи ҳам уларда қолмади. Яратилишдан мақсад нималигини, ибтидоларию интиҳолари нима бўлишини ёддан чиқардилар ва: «Шу дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир. Ўламиз, тириламиз ва биз қайта тирилгувчи эмасмиз», дедилар.

Ана шу ақидаларининг табиатидан келиб чиқиб инсон учун лаззат, роҳат, моддий манфаат, ер юзида такаббурлик қилиш, ерда хожаси ҳам вориси ҳам бўлмаган мамлакат сингари ҳукмронлик қилиш, ер аҳолисига қаҳр қилиш, ердаги бойликлар ва хазиналарни фақат ўзиники қилиб олишдан бошқа мақсад ҳам, ғоя ҳам йўқ дея эътиқод қилдилар. Натижада, ана шу қувват ва илмни лаззатга эришиш, одамлар устидан эгалик қилиш, рақибларни мағлуб этиш учун ишлатдилар. Ўз мақсадларига эришиб бошқаларни ожиз қилиб қўядиган асбобларни яратишда мусобақа бошлаб юбордилар. Воситалар ғоялар билан аралашиб кетгунига қадар ана шу ҳолатда турдилар ва охири воситаларни ғоялар деб эътиқод қиладиган бўлдилар. Ихтиролар ва кашфиётларни бошқа мақсад учун бўлмаган ғоя сифатида қабул қилдилар. Худди ёш болаларнинг ўйинчоқ ва қўғирчоқлар билан ўйнаб қолганларига ўхшаб улар ҳам ўша нарсаларга муккасидан кетдилар ва машғул бўлиб қолдилар. Роҳатни айни маданият

шу деган эътиқодга бордилар. Кейин эса илгарилашда давом этдилар ва ниҳоят тез бой бўлишни айна маданият дея эътиқод қилишга тушдилар.

Профессор С. Э. М. Жоуд шундай деган эди:

«Disraeli шундай дейди: «Ҳозирги даврда жамият маданият роҳатдир деган эътиқоддадир. Аммо бизнинг эътиқодимизча, маданият тез бой бўлишдан иборатдир. Зотан тезда бой бўлиш замонавий ўсмирнинг илоҳидир. У ўшани деб тинчини, роҳатини ва саломатлигини қурбон қилади, бошқаларга меҳр аралашмаган меҳрибонлик кўрсатади».

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.